

## ВОЯГА ЕТМАГАН ХОТИН- ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

Гофурова Дилафруз Мурод кизи

Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7777675>

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган олим Габриел Де Тарднинг фикрича, жиноятларни содир этилишига сабаб бўлувчи асосий физиологик омил бу жинслар ўртасидаги фарқ бўлиб, у жиноятларни тергов қилишда вояга етмаган жиноячи қизларни ҳулқ атворини ўрганиб келгусидаги жиноятларни олдини олиш мумкин деб, таъкидлайди.<sup>1</sup>

Бугунги кунда вояга етмаганлар, айниқса, қизлар орасида жиноятга мойиллик агрессив тус олмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, дунё миқёсида вояга етмаган қизлар томонидан охириги 20 йил ичида жиноятларнинг барча тури бўйича кўрсаткичлар 400%дан 600%га ошган. Жумладан, Италияда аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар умумий жиноятларнинг 17%ини ташкил этса, бу кўрсаткичнинг 9%да вояга етмаган қизларнинг жиноятлари ўз ифодасини топади.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда криминалистик тавсифга эътибор қаратиш жуда муҳим ҳисобланиб, бу жиноятнинг тез ва тўла очилишига кўмак беради.

В.О.Лапин вояга етмаганлар жиноятларининг криминалистик тавсифига қуйидаги элементларни киритади:

- 1) вояга етмаган жиноятчи шахсининг типик тавсифи;
- 2) жиноят содир этиш усули;
- 3) жиноят содир этиш шарт шароитлари;
- 4) жиний тажовуз предмети;
- 5) жиноят содир этишнинг мотиви ва мақсади;
- 6) жабрланувчининг типик тавсифи.

Фикримизча, терговчи ва прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги кенгайтирилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи рўйхатига эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: жиноят тушунчаси ва у ҳақидаги умумий маълумотлар; жиноятни содир этиш усули ҳақидаги маълумотлар; жиноятни содир этиш механизми ва тажовуз предмети; жиноятни содир этиш жойи, вақти ва шарт шароитлари; жиноятчи шахси; жабрланувчининг шахси; жиноятдан қоладиган излар; жиноятни яшириш усуллари; исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва жиноятларни олдини олиш ҳамда профилактика қилиш.

Маълумки, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида турдаги жиноятлар сирасига киради. Шундай экан, бу ҳолат вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўзининг криминалистик тавсифига эга бўлгани каби исбот қилиш лозим бўлган алоҳида ҳолатлари, версиялари ҳамда терговни амалга оширишнинг ўзига хос тактик

<sup>1</sup> Г.Тард. Преступник и преступница. Сравнительная преступность. Преступления толпы. М., 2004. стр104.

услуларига ҳам эга эканлигидан далолат беради. Биз уларга бирма-бир умумий вояга етмаганлар жиноятини ўрганиш асосида тўхталиб ўтамиз.

Криминалистикага оид адабиётларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси тўғрисида кўплаб олимлар турлича фикр билдирган. Масалан, Ғ.А.Абдумажидов исботланиши лозим бўлган ҳолатлар таркибига қуйидагиларни киритади:

- вояга етмаган айбланувчининг ёши (туғилган куни, ойи, йили); турмуш ва тарбияланиш шароити;
- вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этишга олиб келган сабаблар ва шарт-шароит;
- катта ёшли далолатчилар ва бошқа ҳамтовоқларининг бор-йўқлиги (ЖПК 548-моддаси).<sup>2</sup>

А.Г. Филлипов эса исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг қуйидаги рўйхатини беради:

- 1) вояга етмаганнинг ёши (туғилган куни, ойи, йили);
- 2) вояга етмаганнинг яшаш ва тарбияланиш шароитлари;
- 3) психологик ривожланиш даражаси ва шахсига доир бошқа жиҳатлар;
- 4) вояга етмаганнинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг таъсири;
- 5) агар вояга етмаганда психик касаллик билан боғлиқ бўлмаган психологик ривожланишда қолоқлик аломатлари аниқланса, вояга етмаган жиноятчининг ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаши ва қилмишининг фактик характерини тушуниши ўрганилади.<sup>3</sup>

Фикримизча, вояга етмаган аёллар томонидан жиноят содир этилган ҳолатларда терговчи юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб қуйидагиларни ҳам инobatга олган ҳолда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхатига киритиши лозим. Улар қуйидагилардан иборат:

- жиноят ҳақиқатда вояган етмаган аёл томонидан содир этилганлик факти;
- вояга етмаган аёлнинг жиноят содир этиш вақтидаги аниқ ёши (туғилган куни, ойи, йили);
- вояга етмаган аёлнинг психологик ривожланиши ва шахсига доир қўшимча жиҳатлари;
- жиноятни содир этилишига туртки бўлган сабаб ва асослар (ахлоқий қарашларнинг ўзгаришига олиб келган сабаблар, бевосита жиноятнинг содир этилишига туртки бўлган сабаблар, тарбия чораларининг етарли ўтказилмаганлиги).
- вояга етмаган аёлнинг соғлиги, ўзига ҳос одатлари, қизиқишлари;
- вояга етмаган аёлнинг шахсий ва ота-онасининг характеристикаси (оиланинг моддий шароитлари, таълими, касби, иш жойи, ахлоқий жиҳатлари, ўзаро ва болаларга муносабати, болаларнинг ота оналарига бўлган муносабати, тарбия позицияси, зарурий назоратнинг йўқлиги, оилада негатив таъсирнинг мавжудлиги, вояга етмаганнинг ишлаш ҳамда дам олиш жойининг мавжудлиги ва ҳ.к.);

<sup>2</sup> Абдумажидов Ғ.А. Криминалистика. -Т.:Адолат, 2008.Б-222.

<sup>3</sup> А.Г. Филлипов. Криминалистика. – М.: Высшее образование, 2006. – С. 426.

- илгари ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги факти (ҳисобда турадими, яширинган жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар мавжудми);

- вояга етмаган аёлнинг атроф муҳит билан ўзаро муносабати ва танишлари доираси (негатив таъсир ўтказиши мумкин бўлган шахсларнинг мавжудлиги);

- вояга етмаган аёлнинг ўқишга бўлган муносабати (қаерда ўқийди, баҳолари қандай, ўзини тутиши, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан ўзаро муносабатлари ва бошқалар);

- вояга етмаган аёлнинг одатдаги вақт ўтказиши (бўш вақтини қаерда, қандай ўтказди, нималарга қизиқади, наркотик ёки спиртли ичимликлар истеъмол қиладими). Барчамизга маълумки, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар бевосита тергов вазиятларига боғлиқ. А.Б.Қулаҳметов ўзининг “Вояга етмаганларнинг жиноятларини тергов қилиш” номли ўқув қўлланмасида вояга етмаганлар содир этган жиноятларни тергов қилишда юзага келадиган типик тергов ҳолатларига қуйидагиларни киритади:

- 1) жиноят содир бўлган жойда мавжуд бўлган шароитлар ҳамда моддий объектларда вояга етмаганлар қолдирган изларнинг кўздан кечирилиши натижасида уларни айнан вояга етмаган шахслар қолдирганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

- 2) жабрланувчи ва гувоҳлар жиноятни бевосита вояга етмаганлар содир этгани тўғрисида берган кўрсатмалар;

- 3) вояга етмаган гумон қилинувчи жиноят содир бўлган жойда бевосита ушланган ёки айбини бўйнига олиш арзи билан ички ишлар идорасига мурожаат қилган ҳолатлар. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда терговчи томонидан терговни режалаштириш жараёнида тергов вазиятларидан келиб чиқиб турли версиялар илгари сурилади.

Масалан, хорижий адабиётларни кўриб ўтадиган бўлсак, Р.С.Белкин ва бошқа муаллифларнинг фикрича, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳар бир иш бўйича бир қатор версиялар илгари сурилиши ва текширилиши лозим:

- а) катта ёшдаги далолатчилар ёки бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги;

- б) бир қанча жиноятлар содир этган вояга етмаганлар жиноят гуруҳи мавжудлиги (катта ёшли шахслар ҳам қатнашган бўлиши мумкин);

- в) катта ёшлилар (ота ёки онаси, ёхуд вояга етмаган шахс ўғирланган мулкни сақлаш учун қолдирган ёки совға қилиб юборган) томонидан олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятни яшириш, жиноят ҳақида ўз вақтида хабар бермаслик ҳолатларининг мавжудлиги;

- г) катта ёшлилар томонидан вояга етмаган шахс ўғирлаган мулкни эгаллаб олиш ёки қўлга киритиш ҳолатларининг мавжудлиги;

- д) вояга етмаганларни тиланчилик қилишга, ароқхўрлик, қимор ёки бошқа таъқиқланган ўйинларни ўйнашга одатлантириш, наркотик моддаларини истеъмол қилишга, дайдиликка ўргатиш ва ҳ.к.

Бошқа кўплаб олимлар ҳам шу каби версияларни илгари сурилиши ҳақида ўз фикрларини билдиришади. Аммо вояга етмаган аёллар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан қўшимча версиялар иш ҳолатлари ва келиб чиққан тергов вазиятига боғлиқ ҳолда илгари сурилади. Фикримизча, юқорида назарда тутилган версияларни умумлаштирган ҳолда яна қўшимча сифатида қуйидаги версияларни текшириб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Ушбу жиноят вояга етмаган шахс томонидан содир этилганми; вояга етмаган шахс аёл жинсига мансубми;
- Вояга етмаган аёл айнан жиноят содир этилган вақтда вояга етмаган шахс бўлганми;
- Катта ёшли вояга етган шахс ўз жинойий мақсадини амалга ошириш учун вояга етмаган аёлдан фойдаланганми ёки вояга етмаган шахс ўзи ушбу қилмишни амалга оширганми;
- Вояга етмаган аёл бирор бир жинойий гуруҳ аъзосими;
- Вояга етмаганларнинг мунтазам (вақти вақти билан) жиноят содир этадиган жинойий гуруҳи мавжудми, ушбу жинойий гуруҳда катта ёшли иштирокчилар мавжудми;
- Вояга етмаган аёл жиноятни ҳақиқатда бажаришга ҳам руҳан, ҳам жисмонан қодирми;
- Вояга етмаган аёл жиноятни қарамли остида мажбуран содир этганми;
- Вояга етмаган шахс катта ёшли бажарувчининг жиноятини яшириш мақсадида содир этилган жиноятни ўз бўйнига олмоқда;
- Катта ёшли шахслар томонидан вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик, психотроп моддалар ёки бошқа инсоннинг ақл идрокига таъсир кўрсатувчи моддалар истеъмол қилишга, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб этиш ҳолларининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Ушбу версиялар тўғри режалаштирилган календар режа асосида дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида текширилиб, ўз тасдиғини топади. Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича воқеа жойини кўздан кечириш, сўроқ қилиш ва экспертизалар тайинлаш дастлабки тергов ҳаракатлари сифатида ўтказилади.

**Вояга етмаганларнинг содир этган жиноятларини тергов қилишда ҳодиса жойини кўздан кечириш:** Мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш зарурати содир этилган жиноятдан келиб чиқади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳодиса жойини кўздан кечириш жиноят вояга етмаган шахс томонидан содир этилганми ё йўқми, агар шундай бўлса, унинг мақсади, қизиқишлари, одатлари нималардан иборатлигини тушунишга ёрдам беради. Жиноят жойида қолдирилган излар, предметлар жиноятда катта ёшдаги шахснинг ҳам иштироки бор ёки йўқлигини аниқлашнинг имконини беради. Воқеа жойини кўздан кечиришда терговчи ушбу тергов ҳаракатини ўтказишнинг умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, вояга етмаганларнинг ишларига доир ўзига хосликларни ҳам инобатга олиши даркор. Ундан ташқари, ҳар бир содир этилган жиноятни тергов қилишнинг ўзининг тактик услубиёти мавжуд бўлиб, терговчи бу икки жиҳатни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим деб ҳисоблаймиз.

**Гумон қилинувчи ёки айбланувчи вояга етмаган аёлни сўроқ қилиш.** Бошқа тергов ҳаракатларига нисбатан бу тергов ҳаракатини ўтказишда жиноят субъектининг ўзига хос жиҳатлари яққолроқ намоён бўлади:

- Вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишда терговчи вояга етмаган шахс билан психологик алоқа ўрнатиши лозим. Бундай алоқа ўрнатиш учун эса терговчи ёшга доир психология, мулоқот психологиясини билиши мақсадга мувофиқ.

- Терговчи сўроқ давомида биринчи навбатда, вояга етмаганнинг жиноят процессуал мавқеини инобатга олиши, сўнг эса ёшга доир, гендер ва алоҳида шахс психологиясига оид фарқларни ҳисобга олиши лозим.

- Ёшга доир фарқлар сифатида психологияда 13 ёшдан 15 ёшгача бўлганлар ва 15 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар орасидаги фарқ тан олинади. Қизларнинг психологияси ва ўғил болалар психологияси ўртасидаги фарқлар гендер фарқлар деб юритилади. Алоҳида шахс психологияси унинг характери, темпераменти, психологик ҳимоя, баҳолаш даражаси ва бошқа шу кабилардан келиб чиқади.

- Терговчи ёки прокурорнинг сўроқ учун алоҳида тайёргарлик кўриб, бериладиган тахминий саволлар ва тактик усулларни аниқлаштириб олиши лозим.

Жиноят процессуал кодексида терговчи ёки прокурор ўз ихтиёрига кўра ишда қатнашиш учун педагог ёки психологни таклиф этиши мумкин эканлиги белгилаб қўйилган, аммо бу шахсларни сўроқ давомида иштирок этиши билан боғлиқ ҳаражатлар кимнинг ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатилмаганлиги сабабли амалиётда психолог ва педагогнинг хизматидан фойдаланиш ҳолати кўп эмас.

Фикримизча, вояга етмаган аёллар билан ўтказиладиган сўроқ албатта, психолог ёки педагог иштирокида мажбурий ўтказилиши ва уларнинг хизматидан фойдаланиш вояга етмаганнинг ота-онаси, боқувчиси ёки яқин қариндошлари томонидан, агар уларнинг ҳеч бири бўлмаса давлат ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Агар сўроқ қилинувчининг ота-онаси, боқувчиси ёки яқин қариндошлари бўлса ва улар бу мутахассисларнинг хизматидан фойдаланишда тўловга қобилиятли бўлсалар, бунда терговчи биринчи галда уларга бу хизматдан фойдаланиш ўз фарзандлари, унинг руҳий ҳолати ва келажаги учун ижобий таъсир кўрсатишига ишонтириши лозим. Чунки ҳар қандай сўроқ тергов ҳаракати бўлганлиги ва вояга етмаганлар, айниқса қизлар учун бу кучли руҳий ҳаяжонни юзага келтириб руҳий зарба бериши мумкин. Буларни эътибордан четда қолдириш кейинчалик вояга етмаган томонидан алдаш, ҳақиқатни яшириш, кўрсатма беришдан бош тортишга сабаб бўлиши мумкин.

**Экспертизалар тайинлаш.** Вояга етмаганларнинг жиноятлари юзасидан биринчи бўлиб суд-психиатрик экспертизаси тайинланади. Мазкур экспертизанинг берган хулосаси асосида вояга етмаган шахснинг психик ҳолати ҳақида маълумотлар олинади. Бу ҳолат вояга етмаган шахснинг ақли расолигини текшириб, унинг бирор бир психик камчилиги ёки нуқсонлари бор ё йўқлиги аниқланади.

Суд – психологик экспертиза эса вояга етмаган ўз ёшига мос равишда ақлий ривожланганми, агар ақлий ривожланиши қолюқ бўлса, бу шахс ўзининг ҳаракатларини англаб етганми, уларни бошқара олганми, аниқ кўрсатмалар бера оладими каби саволларга жавоб беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги №21-сонли қарорида тушунтириш берилишича, вояга етмаган судланувчининг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмаганнинг ақлий ривожланишида ортда қолгани ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-руҳиётшунослик экспертизаси тайинланиши лозим. Бунда вояга етмаганнинг ақлий ривожланиши, унинг ёшидан



нақадар ортда қолганлиги, ақли заифлиги қай даражада эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб бериш шарт қилиб қўйилиши керак.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан енг кўп ўтказиладиган кейинги тергов ҳаракатларига юзлаштириш, тинтув, олиб қўйиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва бошқа бир қатор тергов ҳаракатларини киритишимиз мумкин.

**Юзлаштириш.** Кўпгина вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда ушбу тергов ҳаракати ўтказилсада, вояга етмаган жиноятчи учун бу етгов ҳаракатидан кўрқиб терговни нада чалкаштириши мумкин бўлган ҳолатга олиб бориши мумкин. Бу борада Бунга сабаб вояга етмаган шахс, айниқса қиз бола сотқин бўлиб қолиш ёки ундан қасос олиниши ҳавфининг келиб чиқишидан кўрқиш ҳисобланади.

Р.С.Белкиннинг фикрича, юзлаштириш терговчи ва ўсмир ўртасида ўрнатилган психологик алоқанинг бузилишига олиб келишидан огоҳ этади.<sup>4</sup>

Л.Л.Каневский ҳам имкони борича юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказмаслик тарафдори бўлиб, у ҳам худди шу ҳолатларни сабаб қилиб келтиради ва иложи борича бошқа усуллардан фойдаланмоқ маъқуллигини таъкидлаб ўтади.<sup>5</sup> Агар бунинг иложи бўлмаса ва юзлаштириш ўтказилиши зарур бўлса, бу тергов ҳаракатида педагогнинг иштироки мақсадга мувофиқлигини эътироф этади. Вояга етмаганнинг қариндоши бўлган катта ёшдаги далолатчи шахс ва вояга етмаган ўртасида юзлаштиришни ўтказишда айниқса эҳтиёткор бўлиш кераклигини, икки ўсмир ўртасидаги юзлаштиришда биринчи сўз навбатини энг тўғри кўрсатмалар бераётган шахсга бериш даркорлигини, агар катта ёшли билан бирга бўлса биринчи бўлиб вояга етмаган шахсдан бошлашни (олдиндан ёлғон кўрсатмалар бераётган бўлса, вояга етмаганнинг жамиятга қаршилиқ даражаси катта ёшдагидан юқори бўлса, уларнинг ёши орасидаги фарқ унчалик катта бўлмаса) таъкидлаб ўтади.

Е.Р.Россинская ҳам худди Каневский каби фикрларни илгари суради.<sup>6</sup>

Юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, юзлаштириш тергов ҳаракатида педагогдан кўра психологнинг иштироки юқори самара беради. Сабаби, юзлаштириш тергов ҳаракатида икки шахс ўз кўрсатмаларидаги қарама қаршилиқларни бартараф этиш учун бир бирини айблаётган ёки бири иккинчисининг айбини ўз бўйнига ола бошлайди. Шунда уларни кузатиб, тўғри хулоса чиқаришга фақатгина юқори малакали профессионал психологнинг имкони бўлади. Амалиётда қийинчиликлар туғдирмаслик учун ушбу тергов ҳаракатини вояга етмаганлар ўртасида фақатгина алоҳида ҳолларда ўтказишни ва унда психолог иштироки тарафдоримиз.

**Тинтув.** Тинтув ўтказишда вояга етмаганларнинг ёшга доир ўзига хосликларини инобатга олиб, биринчи навбатда, уларнинг яшаш жойларини текшириш, сўнг ўқиш ёки яқин дўстларининг яшаш жойларини кўздан кечириш мақсадга мувофиқ. Сабаби, вояга

<sup>4</sup> Белкин Р.С. Криминалистика: учебник для вузов.– М.: НОРМА, 2001. – 990 С.

<sup>5</sup> Россинская Е.Р. Криминалистика. Вопросы и ответы: Учеб. пособие для вузов.- М.: Юнити-дана, 1999. - 351 с.

<sup>6</sup> Россинская Е.Р. Криминалистика. Вопросы и ответы: Учеб. пособие для вузов.- М.: Юнити-дана, 1999. – 356 с.

етмаганлар одатда, ўғирланган буюмларни уйларида ёки яхши таниш бўлган бошқа жойларда сақлашади.

Ғ.А.Абдумажидовнинг фикрича, тинтув вақтида, одатда, айбланувчининг қонуний вакили ҳозир бўлиши лозим. Бунинг иложи бўлмаганда турар жой бошқармаси ёки маҳалла вакили таклиф этилади. Ётоқхона ёки иш жойида тинтув ўтказилганида тарбиячи ё маъмурият вакили ҳозир бўлади. Тинтувни бошлашдан аввал ўсмирга ва у билан бирга яшайдиган шахсларга изланаётган буюмни ўз ихтиёри билан топшириш таклиф этилади. Ўсмирлар тез-тез майда ўғриликларга қўл уришини эътиборда тутиб, уларда ўзларига тегишли бўлмаган буюмлар бор-йўқлигини суриштириб аниқлаш мақсадга мувофиқ. Тинтувга тайёргарлик кўришда ўсмирнинг ота-онаси ва оиладаги ўзаро муносабатлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Босқинчилик ва талончилик жиноятларини содир этишда ўсмирлар ўзларини кўпроқ қизиқтирган майда-чуйда буюмларни тортиб оладилар. Бу буюмлар ўсмир хонасида ёки унинг ёнида бўлиши мумкин. Келиб чиқиши шубҳали бўлган объектлар аниқланганида улар уйда қандай сабабдан сақланаётганлигини шу заҳоти суриштира бошлаш мақсадга мувофиқ. Табиийки, тинтув вақтида ҳозир бўлган оила аъзолари кузатиб борилади. Тинтув вақтида ўсмирни кузатиб бориш айниқса муҳимдир.

**Эксперимент.** Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда айрим ҳолларда эксперимент тергов ҳаракати ҳам ўтказилиши мумкин бўлиб, бунда айнан вояга етмаган шу жиноятни содир эта олганми, бунга унинг жисмоний ва ақлий имкониятлари етадими, бошқа иштирокчилар мавжуд бўлмаганми, жиноят содир этилишида бирор ким кўмаклашмаганми, катта ёшдаги шахс иштирок этганми каби саволларга жавоб топиш мумкин. Айниқса вояга етмаган шахс аёл киши бўлган тақдирда бу тергов ҳаракатини ўтказиш жиноят ҳодисасини идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек, ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилиши ва унинг жисмоний ва ақлий имкониятлари ўрганиш лозим.

### References:

1. Г.Тард. Преступник и преступница. Сравнительная преступность. Преступления толпы. М., 2004. стр 104.
2. Абдумажидов Ғ.А. Криминалистика. - Т.: Адолат, 2008. Б-222.
3. А.Г. Филлипов. Криминалистика. – М.: Высшее образование, 2006. – С. 426.
4. Белкин Р.С. Криминалистика: учебник для вузов. – М.: НОРМА, 2001. – 990 С.
5. Россинская Е.Р. Криминалистика. Вопросы и ответы: Учеб. пособие для вузов. - М.: Юнити-дана, 1999. - 351 с.
6. Россинская Е.Р. Криминалистика. Вопросы и ответы: Учеб. пособие для вузов. - М.: Юнити-дана, 1999. – 356 с.